



ISSUES OF ACT QUALIFICATION IN THE EVENT OF A CONFLICT OF SPECIAL NORMS

D.Sh. Israilov

PhD in Law, Associate Professor

Deputy Director of the Higher School of Judges

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: criminal law, special norm, conflict of norms, aggravating element, mitigating element, legal qualification, principle of humanism, principle of justice, elements of a crime, judicial practice, legislative improvement.

Received: 03.08.25

Accepted: 04.08.25

Published: 05.08.25

Abstract: This article examines the issues arising from conflicts between special norms in criminal law. The author analyzes methods for the correct legal qualification of an act in cases of competition between general and special norms, as well as in situations where multiple special norms are in conflict. In particular, the article explores in detail the competition between special norms that contain aggravating or mitigating elements, emphasizing the need to uphold the principles of justice and humanism when applying legal norms. Using complex practical examples, the author substantiates the necessity of introducing clear rules and criteria in legislation to resolve conflicts between special norms. This would allow for accurate assessment of the elements of a crime and help prevent errors in legal qualification. The article also presents the views of leading legal scholars and an analysis of foreign experience on this topic.

ҚИЛМИШНИ МАХСУС НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Д.Ш. Исраилов

(PhD) доцент

Судьялар олий мактаби директор ўринбосари ю.ф.ф.д.

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жиноят ҳукуки, махсус норма, нормалар рақобати, оғирлаштирувчи таркиб, енгиллаштирувчи

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят ҳукукида мавжуд бўлган махсус нормалар ўртасидаги рақобат масалалари ёритилган.

таркиб, квалификация, инсонпарварлик принципи, адолат принципи, жиноят таркиби, суд амалиёти, қонунчиликни такомиллаштириш.

Муаллиф умумий ва махсус нормалар рақобати ҳамда бир неча махсус норманинг ўзаро рақобати юзага келган ҳолатларда қилмишни тўғри квалификация қилиш усуллари таҳлил қилади. Хусусан, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи таркибли махсус нормалар ўртасидаги рақобат алоҳида ўрганилиб, ҳуқуқни қўллашда адолат ва инсонпарварлик принципларига риоя этиш зарурлиги кўрсатилади. Шунингдек, амалиётда учрайдиган мураккаб ҳолатлар мисолида жиноят таркибини тўғри баҳолаш, квалификацияда ҳатоликларнинг олдини олиш учун қонунчиликда махсус нормалар рақобатини бартараф этувчи аниқ қоида ва мезонларни жорий этиш зарурлиги асослаб берилди. Мавзу юзасидан йирик ҳуқуқшунос олимлар фикрлари ҳамда хорижий тажриба таҳлили ҳам келтирилади.

ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ДЕЯНИЯ ПРИ КОЛЛИЗИИ СПЕЦИАЛЬНЫХ НОРМ

Д.Ш. Исраилов

(PhD), доцент

Заместитель директора Высшей школы судей, кандидат юридических наук
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: уголовное право, специальная норма, конкуренция норм, отягчающий состав, смягчающий состав, квалификация, принцип гуманизма, принцип справедливости, состав преступления, судебная практика, совершенствование законодательства.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы коллизии специальных норм, существующих в уголовном праве. Автор анализирует методы правильной квалификации деяния в случаях конкуренции между общей и специальной нормами, а также при наличии конкуренции между несколькими специальными нормами. В частности, подробно исследуется конкуренция специальных норм с отягчающими и смягчающими признаками, подчёркивается необходимость соблюдения принципов справедливости и гуманизма при применении норм права. На основе сложных практических примеров обосновывается необходимость внедрения чётких правил и критериев устранения конкуренции специальных норм в законодательстве, что позволит правильно оценивать состав преступления и предотвращать ошибки в квалификации.

Также приводятся мнения ведущих правоведов и анализ зарубежного опыта по данной теме.

Таъкидлаш жоизки, агар умумий ва махсус нормалар рақобатини бартараф этишда махсус норманинг устунлигига амал қилинса, бир неча махсус нормалар рақобатида эса бу қоидани қўллаб бўлмайди. Чунки рақобатлашадиган махсус нормаларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида белгилари ҳамда хусусиятларига эга бўлади ва битта модданинг қўлланиши ўз-ўзидан бошқа махсус моддани инкор қилишга олиб келади.

Шу ўринда айтиш жоизки, махсус нормалар рақобатида ушбу нормалар турли муносабатларни қўриқлашга қаратилганлиги ва турли белгиларга эга бўлганлиги сабабли рақобатни бартараф этишда уларнинг санкцияларини эътиборга олишга тўғри келади. Қолаверса, улар умумий нормалардан тегишли хусусиятлари ва белгиларидан келиб чиқиб, ажратиб чиқарилган бўлади, уларнинг санкциялари ҳам мазкур белгилар билан шартланади. Демак, махсус нормалар рақобатини бартараф этиш усуллари ушбу рақобат турларига ва рақобатга киришаётган моддаларнинг санкцияларига боғлиқ бўлади. Шу сабабли биз мазкур ўринда Е.В.Благовнинг рақобатни бартараф этишда нормаларнинг санкциялари орқали ёндашиш мақбул эмаслиги тўғрисидаги фикрига қўшилиб бўлмайди [1].

С.Найимов махсус нормалар ўз хусусиятларига кўра умумий нормага қараганда оғир ёки енгил санкцияга эга бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи таркибли махсус нормаларни, махсус нормалар рақобатининг эса: 1. Оғирлаштирувчи таркибли махсус нормалар рақобати; 2. Енгиллаштирувчи таркибли махсус нормалар рақобати; 3. Оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи таркибли махсус нормалар рақобати турларини ажратиб кўрсатади [2].

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида махсус нормалар рақобатининг турларидан бири бир неча оғирлаштирувчи таркиблар рақобати бўлиб, унинг замирида, қилмишни оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи белгиларни ўзида мужассамлаштирган бир модданинг турли қисмларида назарда тутилган, асосий таркибдан ажратиб чиқарилган махсус таркибларнинг рақобати ётади.

Алоҳида оғирлаштирувчи таркибнинг асосий таркибдан ёки оғирлаштирувчи таркибдан ажратиб чиқарилганлиги оғирлаштирувчи нормаларнинг рақобат муносабатида бўлишини белгилайди. Қонун чиқарувчи томонидан алоҳида оғирлаштирувчи таркиб оғирлаштирувчи таркибдан ажратиб чиқарилган бўлса, у ҳолда улар ўртасида умумий ва махсус нормалар рақобати муносабатлари мавжуд бўлади. Алоҳида оғирлаштирувчи

таркиб асосий таркибдан ажратиб чиқарилган бўлса, оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи таркиб ўртасида махсус нормалар рақобати муносабатлари мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида назарда тутилган фирибгарлик жиноятининг кўп миқдорда ва жуда кўп миқдорда, хавфли рецидивист ва ўта хавфли рецидивист томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ва уюшган гуруҳ томонидан содир этиш назарда тутилган оғирлаштирувчи таркиблари бир биридан келиб чиқади. Шу сабабли улар ўртасида умумий ва махсус нормалар рақобати муносабатлари мавжуд бўлади. Лекин фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг ҳаракатларида бир вақтнинг ўзида ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиш (ЖК 168-моддаси 3-қисми

“г” банди) белгиси ва жуда кўп миқдорда содир этиш (ЖКнинг 168-моддаси

3-қисми “а” банди) белгиси мавжуд бўлса ушбу оғирлаштирувчи нормалар асосий таркибдан ажратиб чиқарилганлиги сабабли улар ўртасида махсус нормалар рақобати муносабатлари мавжуд бўлади. Гарчи бундай рақобатда ҳар иккала таркиб ҳам оғирлаштирувчи таркиб бўлса-да, лекин уларнинг биттаси учун қонун чиқарувчи томонидан оғирроқ жазо белгиланган бўлади ва мантиқан ёндашадиган бўлсак, жиноятлар учун тайинладиган умумий жазо ушбу нормалар оғирлаштирувчи нормалар бўлганлиги сабабли нормалар санкциясининг оғиридан кам бўлмаслиги лозим. Қонун чиқарувчи томонидан бирор ҳолат жиноятнинг зарурий белгиси сифатида оғирлаштирувчи ёки алоҳида оғирлаштирувчи нормада кўрсатилар экан, қилмишни нисбатан енгилроқ санкцияли оғирлаштирувчи норма билан квалификация қилиш, алоҳида оғирлаштирувчи норманинг белгиларини ва хусусиятларини инкор қилишга ва ҳуқуқий баҳо берилмаслигига олиб келади.

Шахснинг ҳаракатларини алоҳида оғирлаштирувчи норма билан квалификация қилиш эса содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини тўлиқ эътиборга олиш имконини беради. Демак, оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи махсус нормалар рақобатида шахсни фақат оғирлаштирувчи норма билан жавобгарликка тортиш ёки унинг ҳаракатига жиноятлар мажмуи сифатида баҳо бериш Жиноят кодексининг асосий принципларидан бири бўлган одиллик принципига зиддир. Унга биноан жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак. Шунингдек, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Шу билан бир қаторда, оғирлаштирувчи норманинг белгилари асоссиз равишда инкор қилинмаслиги учун тергов амалиётида шахсга айб эълон қилинганда унинг ҳаракатларида мавжуд бўлган алоҳида оғирлаштирувчи норма билан бир қаторда оғирлаштирувчи норманинг белгиларини ҳам тегишли қарорда кўрсатиб ўтилишини тўғри деб ҳисоблаймиз. Ҳақиқатан ҳам оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи нормалар бир-биридан келиб чиқмас ёки бўйсунмиш муносабатида бўлмас экан, гарчи шахснинг ҳаракатлари оғирроқ норма билан квалификация қилинса-да, лекин оғирлаштирувчи норманинг хусусиятлари инкор қилинмаслиги лозим. Ўйлаймизки, оғирлаштирувчи норманинг шахсни айбланувчи сифатида жиноят ишига жалб қилиш ҳақидаги қарорида кўрсатилиши, кейинчалик жазо тайинлашда ҳам эътиборга олинмиши билан тугаши лозим. Аслида махсус нормалар рақобати муносабатида бўлган бир неча оғирлаштирувчи нормалар рақобати билан умумий ва махсус нормалар рақобатидаги бир неча оғирлаштирувчи нормалар рақобатининг фарқи ҳам шундаки, охириги ҳолатда махсус норма умумий норманинг белгилари билан бир қаторда қўшимча равишда ўз белгисига эга бўлганлиги ва уни аниқлаштиргани сабабли қилмиш шу алоҳида оғирлаштирувчи норма билан квалификация қилинади. Ўз навбатида, махсус нормалар рақобатида ҳам шу қоида қўлланса-да, лекин оғирлаштирувчи норма шахсни айбланувчи сифатида ишга жалб қилиш қарорида кўрсатилади ва жазо тайинлашда эътиборга олинади.

Масалан, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш оғир оқибатларга олиб келган бўлса, гарчи айбдорнинг ҳаракатлари 118-модданинг 4-қисми, яъни алоҳида оғирлаштирувчи норма билан квалификация қилинса-да, лекин жиноят натижасида оғир оқибатларнинг вужудга келиши ЖКнинг 56-моддаси биринчи қисми “з” банди билан жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олинади. Мазкур ҳолатни биз умумий ва махсус нормалар рақобатида кузатмаймиз. Шу сабабли бир неча оғирлаштирувчи нормалар умумий ва махсус нормалар муносабатида бўлса “ҳукмда ҳамма оғирлаштирувчи белгиларни кўрсатиш ортиқча бўлади” [3].

Таҳлил этилаётган рақобатнинг кейинги тури енгиллаштирувчи махсус нормалар рақобати бўлиб, икки ёки ундан ортиқ енгиллаштирувчи таркиблар ўртасидаги рақобатни назарда тутди. Бундай ҳолатда ҳам шахснинг ҳаракатида бир неча енгиллаштирувчи нормаларнинг белгилари мавжуд бўлар экан, қилмишни квалификация қилишда айбдорнинг аҳволини оғирлаштирмайдиган норма танланиши керак.

Шу сабабли рақобатнинг ушбу турида квалификация қилишда бошқасига нисбатан енгилроқ жазони назарда тутган жиноят-ҳуқуқий норма қўлланиши лозимлиги ҳақидаги қоида амал қилади.

Агар рақобатга киришаётган енгиллаштирувчи нормаларнинг санкциялари бир хил бўлса, нормаларнинг бирига устунлик бериш шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг бошқа жиноят-ҳуқуқий оқибатларининг оғир-енгиллигидан келиб чиқиб ҳал қилинади.

Жиноят содир этаётган шахсдаги кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати уни ўз қилмишига онгли баҳо бериш қобилятини, ўз-ўзини назорат қилишни анча сусайтиради. Натижада айбдорда жабрланувчининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатига нисбатан мутаносиб қарши ҳаракат қилиш вариантыни танлаш имкониятлари чегараланади. Шу сабабли, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир қилинган ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси, ушбу ҳолат бўлмаганда содир қилинган ҳаракатларга қараганда енгилроқ бўлади.

Назаримизда, кўрсатилган ҳолат ва уни келтириб чиқарувчи сабаблар қонун чиқарувчини енгиллаштирувчи таркибли жиноятни алоҳида назарда тутишга ва бундай таркиб санкцияси доирасида ушбу жиноятлар учун енгилроқ жазо белгилашга ундайди, бу эса қилмишда енгиллаштирувчи таркибли жиноят билан оғирлаштирувчи таркибли жиноят белгиларининг бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлганда, шахсни оғирлаштирувчи таркиб билан жавобгарликка тортишни истисно этиш имкониятини беради. Енгиллаштирувчи таркибли жиноятларнинг жиноят қонунида алоҳида назарда тутилганлигининг сабабларидан бири, ушбу турдаги жиноятларнинг амалиётда кўп тарқалганлиги ва оғирлаштирувчи таркиб санкциясининг анча оғирлигидан келиб чиқади. Оғир санкцияга эга бўлган оғирлаштирувчи таркибли жиноят учун жазо тайинлашда, гарчи жазони енгиллаштирувчи бошқа белгилар бўлса-да, лекин бу белгиларни тўлиқ эътиборга олиш имконияти бўлмайди.

Масалан, Жиноят кодексида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик учун махсус модда назарда тутилмаган тақдирда, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми тегишли бандлари билан квалификация қилиниб, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати эса 55-модда тартибида енгиллаштирувчи ҳолат деб олинган тақдирда ҳам барибир айбдорга мутаносиб равишда енгилроқ жазо тайинлаш имконияти бўлмас эди. Бошқача айтганда, қонунийлик принципи модда диспозициясининг аниқ бўлишини, санкциянинг эса диспозиция мазмунидан келиб чиқиб муайян доирада чегараланган бўлишини талаб қилади. Шундагина қилмишнинг хавфлилиги билан унинг учун тайинланиши мумкин бўлган жазо ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш имкони бўлади.

Демак, шахснинг қилмишида оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи махсус нормаларнинг белгилари бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлса, қилмиш енгиллаштирувчи

норма назарда тутилган модда билан квалификация қилиниши керак. Оғирлаштирувчи таркибли жиноятдаги оғирлаштирувчи ҳолатлар эса жазо тайинлашда эътиборга олинади [4]. Шу сабабли ҳам “янги туғилган гўдакни ожиз аҳволда деб баҳоланишига қарамай, унинг туғилиши заҳоти ёки туғилиш вақтида она томонидан ўлдирилиши ЖК 97-моддаси

2-қисмининг “в” бандига оид баҳоланмаслиги лозим, чунки мазкур ҳодиса ЖК 99-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатни юзага келтиради” [5].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил

24 сентабрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 24-бандида “Қонун мазмунига кўра, агар қасддан одам ўлдириш тўсатдан юз берган кучли ҳаяжонланиш ҳолатида, зарурий муҳофаа чегарасидан ёки ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб содир этилган бўлса, бундай жиноят ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “а”, “б”, “в”, “д”, “ж”, “р”, “с” бандларида назарда тутилган квалификация белгилари бўйича содир этилган деб баҳоланмаслиги лозим”лиги кўрсатилган.

Умуман олиб қараганда оғирлаштирувчи таркиб билан енгиллаштирувчи таркиб рақобатида устунлик енгиллаштирувчи таркибга берилиши ҳақидаги қоида инсонпарварлик принциpidан келиб чиқади. Ушбу принцип жиноят қонунининг асосий принципи бўлиб, унинг барча институтларига таъсир кўрсатиб туради. Чунончи, ЖКнинг 13-моддасида қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эгаллиги кўрсатилган. Бу ҳолат ҳам инсонпарварлик принципига асосланмоқда. Агар қонуннинг орқага қайтиш кучига биноан турли вақтларда қабул қилинган иккита нормадан енгилроғи қўлланилар экан, оғирлаштирувчи таркиб билан енгиллаштирувчи таркиб рақобатида ҳам бир вақтда амал қилган нормалардан енгилроғи қўлланиши мақсадга мувофиқ ва мантиқан тўғри бўлади.

Шундай қилиб, бизнинг махсус нормалар рақобатини бартараф этишга оид хулосалар замирида юқорида келтирилган мулоҳазалар ётади. Ўз навбатида, юридик адабиётда нормалар рақобатини айбсизлик презумпцияси принципининг талабларидан келиб чиқиб ҳал қилиш лозимлиги тўғрисидаги таклифлар ҳам билдирилган [6]. Умумий қоидага биноан айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши

керак. Б.А.Куриновнинг фикрича, “Ушбу қоида нафақат исботлаш жараёнига, балки жиноятларни квалификация қилишга ҳам тааллуқлидир” [7]. Биз қуйидаги мулоҳазаларни келтирган ҳолда ушбу фикрга қўшилмасликни лозим топдик. Биринчидан, айбсизлик презумпцияси жиноят-процессуал қонуннинг принципи бўлиб, “қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар” деганда айнан процессуал қонунчиликни қўллаш назарда тутилади. Иккинчидан, процессуалист олим Я.О.Мотовиловкернинг ёзишича, “Жиноят ҳодисасининг содир бўлганлигини ёки бўлмаганлигини, шахснинг унда иштирок қилганлиги ёки қилмаганлигини аниқлашга қаратилган процессуал исботлаш учта жавобни келтириб чиқаради: (иштирок қилган; иштирок қилмаган; иштирок қилган бўлиши мумкин;), квалификация қисмида исботлаш эса фақат иккита (жиноят таркиби бор ёки йўқ) жавобни келтириб чиқаради. Шунинг учун айбдорликка оид барча шубҳаларнинг судланувчи фойдасига талқин қилиниши ҳақидаги қоида айбловнинг исботланганлигига нисбатан қўлланилади ва “иштирок қилган бўлиши мумкин” деган жавоб бўлганда, оқлов ҳукми чиқарилиши лозим. Квалификацияга оид шубҳалар эса олдиндан ўрнатилган қоидаларга мувофиқ ҳал қилинмайди, чунки биз шахснинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлиши мумкин ёки бўлмаслиги мумкин деб айтолмаймиз; ушбу шубҳалар қонунни талқин қилиш, юридик фаннинг хулосаларидан фойдаланиш ва бошқа усуллар билан бартараф этилади” [8].

Шу билан бирга, юқорида таъкидлаганимиздек нормалар рақобатининг вужудга келиш сабабларидан бири қонунчиликдаги номукаммалликлар бўлиб, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи нормалар рақобати айрим нормаларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали ҳам бартараф этилиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

С.Найимов иккинчи вариант сифатида баҳоловчи нормага қўшимча киритишни назарда тутди [9]. Бунда қонун чиқарувчи айрим сабабларга кўра енгиллаштирувчи нормага қўшимча киритишни лозим деб топмаса, мазкур қўшимчани баҳоловчи нормада назарда тутиш мумкин. Оғирлаштирувчи нормаларда енгиллаштирувчи нормаларнинг истисно сифатида берилиши ҳолатлари жиноят қонунчилиги учун янгилик эмас.

Грузия Республикаси Жиноят кодексининг айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган 109-моддаси биринчи қисмининг “о” бандида мазкур кодекснинг 110-114-моддаларида (яъни енгиллаштирувчи нормаларда) назарда тутилган одам ўлдиришлардан ташқари ушбу жиноятни бир неча марта содир этиш учун жавобгарлик кўрсатилган.

С.Найимов бундай истиснони Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмида ҳам назарда тутса бўлишини таклиф қилади. Бунда ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми диспозицияси қуйидаги тахрирда берилиши мумкин:

“Ушбу Кодекснинг 98-101-моддаларида назарда тутилган одам ўлдириш турларидан ташқари жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни: [9]”

Махсус нормалар рақобати масалаларининг юқорида келтирилган таҳлили натижасига кўра мазкур рақобат турининг қуйидаги хусусиятларини кўрсатамиз: биринчидан, махсус жиноят ҳуқуқий нормалар қонун чиқарувчи томонидан умумий нормадан ажратилган бўлиб, у билан бўйсунуш муносабатида бўлади; иккинчидан, махсус нормалар фаркланувчи белгиларга эга бўлади ва шу сабабли ўзаро бўйсунуш муносабатларида бўлмайди; учинчидан, махсус нормалар рақобатини бартараф этишда ушбу нормалар назарда тутилган моддаларнинг санкцияси эътиборга олинади.

Демак, махсус нормалар рақобати деганда қилмишда, умумий нормадан ажратиб чиқарилган, унга нисбатан махсус бўлган, ўзаро бўйсунуш муносабатида бўлмаган икки ёки ундан ортиқ махсус нормалар аломатларининг мавжудлигини тушунишимиз мумкин.

Шахснинг қилмишига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш, тўғри квалификация қилиш, жиноят қонунчилигини мукаммаллаштириш вазифаси Жиноят кодексида махсус нормалар рақобатини бартараф этишга оид қоидаларни назарда тутиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

С.Найимовнинг амалиёт ходимлари ўртасида ўтказган анкета сўровлари ҳам уларда мазкур масалада аниқ ва бир хил позиция йўқлигини кўрсатмоқда. Чунончи, уларга “Шахснинг қилмишида бир вақтнинг ўзида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш, шунингдек, ўта шафқатсизлик билан ожиз аҳволдаги шахсни қасддан одам ўлдириш белгилари мавжуд бўлса, қилмиш қандай квалификация қилинади?”,-деган савол берилганда респондентларнинг 70 фоизи “Фақат ЖКнинг 98-моддаси билан”-деган жавобни, 30 фоизи эса “Фақат ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” “ж” бандлари билан”-деган жавобни танлашиб қисман тўғри жавоб беришган. Лекин “Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида икки ёки ундан ортиқ одам ўлдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш керак деб ҳисоблайсиз”- деган саволга респондентларнинг 50 фоизи “Фақат ЖКнинг 98-моддаси билан”-деган жавобни, 40 фоизи “Фақат ЖКнинг 97-моддаси “а” банди билан”-деган жавобни, 10 фоизи эса “ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми ва 98-моддаси билан”-деган жавобни танлашган. Бу маълумотлар ҳам қонунни тўғри қўллашда ифодаланадиган тўғри суд-тергов амалиётини шакллантириш

учун конунчиликда махсус нормалар рақобатини бартараф этишга оид нормаларни назарда тутиш лозимлиги тўғрисида хулоса чиқаришга ундайди.

3.А.Незнамованинг фикрича махсус нормалар коллизиясида жиноят таркиби ҳар қандай элементининг батафсил тавсифига эга бўлган махсусроқ нормага устунлик берилади [10].

Аммо юқорида қайд этилганидек, махсус нормалар ўзининг алоҳида белгиларига, хусусиятларига эга бўлади, бир-биридан келиб чиқмайди ва бўйсунмиш муносабатида бўлмайди. “Агар умумий ва махсус нормалар рақобатида улар битта ёки бир неча белгилари бўйича рақобатлашса, махсус нормалар рақобатида эса ҳар бир норма рақобатлашаётган нормадан фарқ қилувчи ўзига хос белгига эга бўлади”.

Шундай экан, рақобатга киришадиган нормалардан бирини махсусроқ норма деб аташга асос йўқ. Шу сабабли биз юқоридаги муаллифлар келтирган таҳрирга қўшила олмаймиз. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритилиши лозим бўлган махсус нормалар рақобатини бартараф этишга оид норма қуйидаги таҳрирда бўлиши мумкин: “Агар шахс содир этган қилмишда махсус нормалар аломатлари мавжуд бўлса, жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмайди. Оғирлаштирувчи таркибли нормалар рақобатида - алоҳида оғирлаштирувчи таркибли норма, енгиллаштирувчи таркибли нормалар рақобатида - алоҳида енгиллаштирувчи таркибли норма, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи таркибли нормалар рақобатида – енгиллаштирувчи таркибли норма қўлланилади”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Благов Е.В. О проблеме конкуренции специальных норм в уголовном праве //Правоведение. - 2005. - № 2. - С. 4 – 9
2. Найимов С.С Қилмишни махсус жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилиш масалалари //Давлат ва ҳуқуқ. – 2003. - № 3. –Б.53-54.
3. Костарева Т. А. Квалифицирующие обстоятельства в уголовном праве. – Москва: Юристь, 1999. - С.156.
4. Шавгулидзе Т.Г. Аффект и уголовная ответственность. – Тбилиси: Тбилис. ун-т., 1973. - С.145-151.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар.– Т.: Адолат, 1997. – Б.132.
6. Инагамова-Хегай Л.В. Понятие конкуренции уголовно-правовых норм // Правоведение. 2001. №2. – С. 141.

7. Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. – Москва: МУ., 1976. – С.176.
8. Мотовиловкер Я.О. Основной вопрос уголовного дела и его компоненты: Вопросы факта и права. Воронеж: Воронеж. ун-т, 1984. – С.73-74.
9. Найимов С.С. Қилмишни жиноят-хуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари / Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент: 2007. – Б. 53.
10. Незнамова З.А. Коллизии в уголовном праве. – Екатеринбург: Наука, 1994. – С.244.